Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
23-fevral,
seshanba

№ 23
(3684)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Илғор тажрибалар — амалиётга

**Юртимизда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган давлат дастурлари ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга оширишда касаба уюшмаларининг алоҳида ўрни бор. Жумладан, кейинги йилларда ижтимоий шериклик асосида ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес субъектларини касаба уюшмасига жалб этиш орқали уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш устувор аҳамият касб этмоқда.**






## Ҳаракат дастурининг асосий йўналишлари

*Наманган вилоятида изчил ўз ифодасини топмоқда*

Наманган вилоятида касаба уюшмалари, маҳаллий давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида бу борада эришилган ижобий иш тажрибаларини ўрганишга бағишланган республика амалий семинарида ушбу фикр яна бир бор тасдиғини топди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мутасаддилари, барча тармоқ касаба уюшма Республика кенгашлари, ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари раислари икки кун давомида жойларда бўлиб, амалий саъй-ҳаракатлар билан яқиндан танишди.

Наманган иқтисодий салоҳияти жиҳатидан мамлакатимизда етакчи вилоятлардан. Айниқса, бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Айни пайтда ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида бу соҳанинг улуши 80 фоизни ташкил этаётгани, иш билан банд аҳолининг 82 фоиздан зиёди ушбу секторда меҳнат қилаётганининг ўзиёқ бунинг исботидир.

Муҳтарам Юртбошимиз ўтган йил халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бандлик хусусида гапириб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, олий ўқув юрти ва касб-ҳунар коллежларини битириб, ҳаётга йўлланма олган ёшларимизни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида урғу берди.

↘(2).

Наврўз — 2016

## Ободлик, фаровонлик намойиши

**Президентимизнинг жорий йил 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига асосан Тошкент вилоятида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ўтказилди.**

Ўзининг кўрку таровати, нафосати, мазмун-моҳияти билан бунёдкорлик ва яратувчанликни, меҳр-мурувват ва ҳамжиҳатликни, умуман, табиат уйғонишини ифодаловчи Наврўз асрлар давомида боқий қадрият, асл миллий байрамимиз сифатида яшаб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аждодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланди.

Янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўзни муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, саховат каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, турар жойларни ободонлаштириш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этиш мақсадида уюштирилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирида шаҳар ва туманлардаги кўчалар, майдонлар, хиёбонлар тартибга келтирилиб, мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтқазилмоқда.

Аҳоли турар жойлари, кўп қаватли бинолар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилмоқда. Дарахтлар буталиб, оқланди. Ариқ-зовурлар, лотоклар тозаланаётир. Махсус ажратилган транспортларда чиқиндилар белгиланган жойларга чиқарилмоқда.

20-21 феврал кунлари ўтган тадбирда вилоятдаги 1150 дан зиёд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона, ташкилот ва муассасалар ишчилари фаол иштирок этди.

— Ҳашар — элга ярашар, деб бежиз айтилмаган, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими раиси Ҳожимурод Эрматов. — Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида "Тошкент вилояти — оддий вилоят эмас, у аввалambор пойтахт вилояти сифатида мамлакатимизда етакчи мавқени эгаллаб келади. Қайси соҳа ёки тармоқни олмайлик, бу замин катта имконият ва ресурсларга бой эканини кўрамиз", деб таъкидлади. Билдирилган шундай юксак ишончни оқлаш, Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш ҳамда кенг нишонлаш тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбири файзли ҳаётимиз, ободлик ва яратувчиликка интилишимиз, тинчлик-тотувлик, эзгуликни қадрлашимизнинг муҳим ифодасидир. Ҳашар кунлари байрам таровати янада сезилиб турди. Кўчалар, йўлаклар, болалар ўйин майдончалари тартибга келтирилди. Ёшларимиз кексалар ҳолидан хабар олиб, уй ишларига кўмаклашди.

Бекобод туманидаги Гулистон, Чаноқ, Қиёт сингари ўнлаб қишлоқларнинг кўчалари тартибга келтирилди, ариқ ва зовурлар тозаланди. Таълим, тиббиёт, спорт, маданият муассасалари жойлашган ҳудудлар атрофига манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Ободликдан кўнгли ёришган қишлоқ аҳли тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш сингари юмушларга баҳамжиҳат киришаётир.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод тумани кенгаши ташаббуси билан "Ўтганлар руҳини шод этайлик", "Ҳар бир ёшга бир ниҳол", "Ҳашар – ёшларга ярашар" лойиҳалари асосида қабристонлар ободонлаштирилмоқда.

Ёшлар патронаж гуруҳлари ёлғиз кексаларнинг уй юмушларига кўмаклашаётир.

**Б.ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири**

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

**Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Қуролли Кучлар резервига бўшатилган бир гуруҳ аскарларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда қўшимча имтиёз берувчи ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасини топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

## Тавсияномалар топширилди

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти бошлиғи, полковник Ш.Икромов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, билим юрти Васийлик кенгаши раиси Иқбол Мирзаалиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган Қуролли Кучлар барпо этилганлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, армия сафларида ўз йигитлик бурчини интизомли равишда ўтаган бир гуруҳ аскарларга тавсияномалар ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан бадиий адабиётлар топширилди.

**ЎзА**

Хабар

## Замонавий ўт ўчириш автомобиллари

**«Андижондонмаҳсулот» ҳамда «Асакадонмаҳсулот» акциядорлик жамиятларида тузилган кўнгилли ўт ўчириш хизмати жамоалари Самарқандда ишлаб чиқарилган «ISUZU NOQ 71 PL» русумли иккита замонавий автомобил билан таъминланди.**

Шу муносабат билан ҳайдовчи ва ўт ўчирувчилар учун вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг малакали мутахассислари томонидан янги автомобилнинг тактик-техник имкониятлари, асбоб-анжомлардан фойдаланиш қоидалари бўйича ўқув машғулотлари ўтказилди.

— Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг моддий-техник базаси босқичма-босқич мустаҳкамланмоқда, — дейди вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси, майор Эркинжон Жабборов. — Кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар яхши самара бермоқда.

Шунингдек, дастур доирасида «GM-Ўзбекистон» акциядорлик жамиятининг ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ҳамда Хўжаобод газни ер остида сақлаш иншооти идоравий ёнғин хавфсизлиги қисми учун «ISUZU» юк автомобили шассисида тайёрланган 4 тонна сув сиғимига эга иккита замонавий ўт ўчириш автоцистерналари келтирилди.

**Ўз мухбиримиз**

Соғлом оила — соғлом жамият



**Соғлом она ва бола йили муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида ва тармоқларда ташкил этилаётган «Соғлом оила» шиори остидаги спорт беллашувлари аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.**

## Оммавий мусобақа

Ходимлар, уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий турларига бўлган қизиқишини ошириш, айниқса, оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш орқали ўз саломатлигига масъулият ҳиссини шакллантириш, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган меҳнаткашларни турли касб касалликларидан муҳофаза қилиш мақсадида ўтказилаётган оилавий спорт мусобақаларининг иккинчи босқичи Тошкент шаҳрининг барча туманларида катта тайёргарлик ва уюшқоқлик билан ташкил этилаётир.

Мусобақаларда ота-она ҳамда 8-12 ёшли фарзанддан иборат жамоалар югуриш, акробатика, тўпни нишонга отиш, арқон тортиш, чаққонлик ва мерганлик, тезлик, эпчиллик эстафеталари, «Моҳир ҳужумчи», «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боплаймиз» каби шартлар асосида ўз имкониятларини синовдан ўтказмоқдалар.

↘(4).



Келишувда қайд этилганидек >> 2



Бу шундай юрт, бу шундайин эл момолари тебратар бешик... >> 3



Шокин яна тенгсиз >> 4

# Ҳаракат дастурининг асосий йўналишлари

## Наманган вилоятида изчил ўз ифодасини топмоқда







(1).

Юқоридаги устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ўзига хос тизим яратилди. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ҳар бир туман, шаҳардаги фойдаланилмаётган бўш бинолар аниқланиб, белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари очилди. Касаба уюшмалари тармоқ туман кенгашлари томонидан тадбиркор билан тузилган шартнома асосида зарур жиҳозлар етказиб берилди. Қувонарлиси, жиҳозлар учун сарфланган маблағни йил давомида тўлов жадвали асосида, фоизсиз қайтариш шарти ёш йигит-қизларга ҳар жиҳатдан маъқул бўлмоқда. 2014-2015 йиллар давомида 91 нафар ёш шу йўл билан ўзининг муқим иш жойига эга бўлди.

Фаолиятга янгича ёндашувнинг ўзини оқлаши Тўрақўрғон туманининг Ёртепа қишлоғи «Янгиобод» маҳалласидаги ишлар мисолида ҳам кўзга ташланди. Гузардаги эски бино тадбиркор Эргашали ота Турсунов томонидан мукаммал таъмирланган. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши билан ҳамкорликда савдо дўкони, сартарошхона, гўзаллик салони, чеварчилик, пазандачилик йўналишлари очилиши натижасида 11 та иш ўрни вужудга келди.

— Бу ташаббусдан иш жойига эга бўлган ёшлар қатори маҳалламиз хотин-қизлари ҳам қувонмоқда, — дейди Ёртепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Маҳмуджон Умаров. — Чунки марказдан олисда жойлашган ҳудудда шаҳардагидан қолишмайдиган гўзаллик салони фаолият кўрсатаётгани аёлларимиз учун ҳар томонлама қулайлик туғдирди.

— Ҳар куни кам деганда 6-7 нафар мижозимиз бор, — дейди салон ходими Гулҳаё Сулаймонова. — Энг муҳими, бу ерда банд бўлган барча тенгқурларим учун меҳнат дафтарчалари очилган.

Янги иш ўринлари яратиш ва хизмат турларини йўлга қўйишда, энг аввало, ҳар бир ҳудуддаги аҳоли эҳтиёжининг ҳисобга олингани эътиборга молик. Масалан, Косонсой тумани Ёшлик қишлоқ фуқаролар йиғини «Боғишамол» маҳалласида икки йил илгари тадбиркор Алишер Бобоев саъй-ҳаракати туфайли замонавий бино қурилиб фойдаланишга топширилган эди. Мажмуанинг бир қисмида савдо дўкони фаолияти йўлга қўйилган, асосий қисми эса фойдаланилмаётган эди. Касаба уюшмаларининг бўш турган биноларда янги иш ўринлари очиш ташаббуси тадбиркорга ҳам маъқул тушди. Муҳими, маҳалла аҳлининг талаб ва истаги асосида сартарошхона, тикувчилик, пазандачилик, тил ўргатиш марказлари, қурилиш хизмати билан шуғулланувчи ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларига кимёвий ишлов бериш бригадалари ташкил этилди.

— Бу ерда иш бошлаган коллеж битирувчиларига барча тармоқ туман кенгашлари биргаликда зарур жиҳозлар етказиб берди, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Косонсой туман кенгаши раиси Ботирхон Бобохонов. — Ушбу мақсадларга йўналтирилган маблағни жорий йилнинг май ойига қадар тўлиқ қайтаришга эришилади. Бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам етарли.

Семинар доирасида, шунингдек, Янгиқўрғон туманида жойлашган "Усмонжон ҳожи ота" маҳалла гузарида барпо этилган мажмуа фаолияти билан танишилди. Бу ерда ҳам савдо дўкони, сартарошхона, тикувчилик, автомобил ювиш каби шохобчаларнинг бекаму кўст фаолият юритиши учун касаба уюшмаларининг 5,4 миллион сўм маблағи эвазига керакли асбоб-ускуна ва жиҳозлар харид қилинди. Натижада, шу ҳудудда истиқомат қилувчи касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 8 нафар йигит-қиз учун меҳнат дафтарчалари юритилди. Энг муҳими, бир неча йилдан буён бўш турган бино кўркам, обод ва файзли масканга айланди.

Бу каби эзгу юмушларни ҳар бир туман мисолида келтириш мумкин. Эътиборли жиҳати, жорий йил вилоятда юқоридаги тажрибага асосланиб касаба уюшмалари томонидан яна 300 та янги иш ўрни очиш кўзланган. Бу Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Қурултойида таклиф этилган ва делегатлар томонидан қўллаб-қувватланган "Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ҳар бир туманда 25 тадан иш ўрни яратиш" ташаббусига амалий жавоб бўлади.

***

Куннинг иккинчи ярмида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида илғор тажрибаларни оммалаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида ташкил этилган кичик бизнес субъектлари ва маҳаллий ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси барчада катта қизиқиш уйғотди.

Семинарда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Зулайҳо Маҳкамова ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлик самаралари ҳамда нодавлат ташкилотларни аъзоликка жалб этиш юзасидан маъруза қилди.

Таъкидланганидек, вилоятда меҳнаткашларнинг меҳнатга оид ҳуқуқи ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси таъминланишини тўлиқ қамраб олиш мақсадида доимий ҳаракатдаги тизим яратилган. Хусусан, вилоят давлат солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар номи ва жойлашган ҳудуди бўйича рўйхат шакллантирилган. У шаҳар ва туман тармоқ кенгашларидан аъзоликка қабул қилинган ташкилотлар бўйича олинган маълумотлар билан солиштирилиб, тизимга жалб этилмаган корхоналар рўйхати тузилди ва шу асосда уларни касаба уюшмасига жалб этиш ишлари олиб борилмоқда. Аъзоликка олинган субъектлар ҳақидаги маълумотлар эса ҳар ҳафта таҳлил этиб борилади.

Анжуманда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган туман кенгаши раиси Нўъмонжон Иброҳимов кенгаш қошида ташкил этилган "Ёшлар фаровонлик учун" шўъба корхонаси иш фаолияти билан яқиндан таништирди. Ишсиз ёшлар ҳамда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизларнинг 18 нафарини бирлаштирган марказда пазандачилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, иссиқхоналардаги экинларга ишлов бериш, аҳоли буюртмаси асосида жўжа очириш каби йўналишлар мавжуд. Ишчиларнинг ҳар бирига меҳнат дафтарчаси юритилгани, бозор талаби асосида мунтазам даромад олишнинг йўлга қўйилгани оммалаштиришга арзийдиган тажриба сифатида эътироф этилаётир. Ишга жойлашган ёшлардан Ҳуррият Азимова ҳамда Назокат Қосимовалар ўз йўналишлари бўйича иш топишида касаба уюшмалари яқиндан кўмак кўрсатгани учун миннатдорлик билдириб, йиғилганларга айни кундаги фаолиятлари хусусида сўзлаб беришди.

Шунингдек, семинарда Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Маҳмуд Бобоёров касаба уюшма маблағи ҳисобидан кичик бизнес субъектлари ташкил этишда эътибор қаратилаётган жиҳатларни Ургут тумани мисолида таҳлил этиб берди. Айни пайтда 25 киши меҳнат қилаётган цехда тайёрланаётган маҳсулотларнинг харидоргирлиги, рақобатдошлигини таъминлаш асосий вазифага айлангани, бу эса ишга қабул қилинган ёшларнинг мунтазам фаолият кўрсатишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Нодавлат сектордаги корхоналарни касаба уюшма хизматига қабул қилиш бўйича Андижон тажрибаси ҳам йиғилганлар диққат марказида бўлди. Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири Ҳамидулло Матисаев мазкур йўналишдаги фаолият таҳлили билан яқиндан таништирди. Таҳлиллардан шу нарса ойдинлашадики, ҳозирда нодавлат секторда ишлаётган ходимларни касаба уюшмасига жалб этиш, ушбу хўжалик субъектларида касаба уюшма ташкилотларини тузиш ва жамоа шартномаларини имзолаш, ишловчилар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ҳудудларда бирмунча кучайган. Ўтган йил давомида вилоятдаги Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашлари томонидан 435 та корхона, ташкилот ва муассасада 1534 нафар, тиббиёт бирлашмалари касаба уюшма қўмиталари томонидан 553 та субъектда 2435 нафар ходим аъзоликка жалб этилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бош мутахассиси Нодиржон Қиличев эса аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишда касаба уюшмалари олдида турган вазифалар хусусида сўз юритиб, етиштириладиган маҳсулот турлари, ҳажми, бу бўйича ажратиладиган кредит маблағлари аниқ ҳисобкитобини юритиш юзасидан соддалаштирилган ва марказлашган механизмнинг тартиб-қоидаларига тўхталди.

Қизғин муҳокамалар давомида Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари Назиржон Ҳайиталиев, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви раиси Шуҳратжон Кенжаев, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари раислари Улуғбек Жалменов, Нусратилла Пардаев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўз олиб, илғор тажрибаларни барча ҳудудда оммалаштириш, томорқа хўжалиги ҳамда касаначиликни ривожлантириш, бу борада касаба уюшмалари олдида турган вазифаларга кенг тўхталди.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**

*Муаллиф олган суратлар*

---

Жамоа шартномаси — амалда

**Урганч Политехника ва компютер технологиялари касб-ҳунар коллежида жамоа шартномасининг 2015 йилдаги ижросига бағишланган йиғилишда коллеж директори Сапарбой Қурбонов ва касаба уюшма қўмитаси раиси Мақсуда Бекчанованинг ахборотлари тингланди.**

# Ходимлар манфаатдор

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Бахтиёр Ибрагимов Меҳнат кодексига киритилган янги ўзгартишлар ҳақида атрофлича тўхталди.

Йиғилиш якунида бир гуруҳ ходимлар рағбатлантирилди. Ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари билан олиб борган самарали ижтимоий шериклиги учун коллеж маъмуриятига тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгашининг ташаккурномаси топширилди.

Бундай тадбирлар тармоқ касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши тасарруфидаги 73 та корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳам ўтказилаётир.

**Фозил БОЛТАЕВ,**
**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси**

---

# Ўзаро ишонч – ташаббусга қанот

**Пахтакор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2013 – 2015 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2015 йилги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Саодат Юсупова тадбирни очар экан, бошланғич ташкилотда ишнинг нечоғлик пухта йўлга қўйилиши, биринчи навбатда, етакчи салоҳиятига, қолаверса, аъзолар ўртасидаги обрў-эътиборига боғлиқ эканига эътибор қаратди.

Коллеж директори Илҳом Раҳматуллаев ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси Сайдали Қаршиевлар ҳисоботида таъкидланганидек, жамоа шартномаси ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжат сифатида амал қилиб, белгиланган бандларнинг аксарияти бажарилди.

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир тадбирлар ижросига алоҳида эътибор қаратилиб, касб ва лавозимлар рўйхатида турувчи ходимлар махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа ҳимоя воситалари билан бепул таъминланди. Директор жамғармаси маблағи ҳисобидан ишчиларга белгиланган тартибда моддий рағбатлантириш, устамалар тўлаб берилди.

Ходимларнинг фарзандларига кундузги оромгоҳлар учун саккизта йўлланма берилди. Жамоанинг тўрт нафар аъзоси сиҳатгоҳларда дам олди. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида спорт билан шуғулланишга шарт-шароит яратиб берилди. Улар ўртасида спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинди. Аёллар меҳнатини тартибга солиш, ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар ўзларининг таклиф-мулоҳазаларини билдириш асносида маъмурият ва касаба уюшмаси ҳамкорлигини янада кенгайтириш янги марраларга эришишга хизмат қилишини таъкидлашди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири Маҳмуджон Исаев қатнашди ва сўзга чиқди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

Ижтимоий шериклик

**Туман кенгашимиз томонидан аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси, уларнинг меҳнат ва таҳсил олиш шароитини яхшилаш, соғломлаштириш масалалари бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда.**

# Эзгу ва хайрли иш

## ўз самарасини беради

Ҳозирда туман кенгаши тизимида 55 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, уч мингдан зиёд аъзо манфаатлари ҳимояланмоқда. Ана шу мақсадлар йўлида ҳудудий, тармоқ келишуви ҳамда 55 та жамоа шартномасининг мазмун-моҳияти мунтазам бойитиб борилмоқда.

Ҳуқуқий ҳужжат орқали ходимлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини барпо этиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш чоғида қонун меъёрларига риоя этилиши таъминланмоқда. Бажарилган ишлар меҳнат жамоасининг умумий йиғилишларида муҳокама этилиши, белгиланган имтиёзлардан ходимларнинг кенг фойдаланишига жиддий аҳамият берилаётгани натижасида ходимларнинг касаба уюшмага бўлган ишончи ортиб бораётир.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш сифатини ошириш борасидаги ишларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган йилда бир гуруҳ ходимларнинг касаба уюшмалари тизимидаги сиҳатгоҳларда имтиёзли равишда соғлигини тиклаши таъминланди.

Бундан ташқари, йил давомида эҳтиёжманд 152 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди, 5 нафар кексага озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди. Амалдаги жамоа шартномалари орқали 24 нафар камхарж, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари тортиқ қилинди.

Сўнгги йилларда ходимларнинг қадимий шаҳарларга саёҳатга олиб бориш одатий тусга айланди. Жумладан, 275 нафар ходим Самарқанд шаҳрида бўлди. Спорт-соғломлаштириш ишларига ҳам эътибор кучайиб бормоқда. Ўтган йилда беш бор оммавий спорт мусобақалари ўтказилиб, уларда 908 нафар ходим иштирок этди. Бу каби спорт тадбирлари ходимларни чиниқтириб, соғлом турмуш тарзи таркиб топишига ўзига хос замин бўлмоқда.

Дарвоқе, ҳозирда тумандаги барча таълим муассасасида "Маънавият ва маърифат" хоналари ташкил этилиб, улар миллий ғоя ва маънавият асослари бўйича берилган тавсиялар асосида жиҳозланган. Бошланғич касаба уюшмалари томонидан касаба уюшма аъзолари ўртасида "Маънавият соатлари" режа асосида мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Соғлом она ва бола йили зиммамизга янада улкан масъулият юклади. Соҳа вакиллари ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни камол топтиришдек хайрли ишларда фаоллик кўрсатишлари учун қулай шарт-шароит яратиб бериш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз давом этади.

**Баҳодир АҲРОРОВ,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мирзаобод туман кенгаши раиси**

---

# Келишувда қайд этилганидек

**Бош келишув асосида "Ўзкимёсаноат" АЖ ҳамда "Ўзфармсаноат" АК билан Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида меҳнат аҳли ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, жумладан, бандликни таъминлаш, саломатликни муҳофаза қилиш, эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида 2015 – 2017 йилларга мўлжалланган тармоқ келишувларининг 2015 йилда бажарилиши ижтимоий шериклар иштирокида кенг муҳокама этилди.**

Унда келишув ижроси бўйича иш берувчилар номидан "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқарув раисининг ўринбосари Н.Чулиев ҳамда "Ўзфармсаноат" АК бош ҳисобчиси Э.Шарипов тизимга кириб келаётган инвестициялар, ишлаб чиқаришдаги ютуқ ва камчиликлар ҳамда тармоқ келишувининг бажарилиши бўйича маъруза қилишди.

Қайд этилганидек, тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларининг бажарилишини таъминлаш борасида "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимидаги корхона ва ташкилотлар маъмурияти ҳамда тармоқ касаба уюшмалари томонидан ўзаро ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилди. Шунингдек, ижтимоий шерикликнинг кучайтирилишига алоҳида эътибор берилди. Амалдаги жамоа келишуви ва шартномаларининг ижтимоий таркибий қисми янада кенг кўлам касб этганлиги натижасида, қўшимча имтиёзларга эга бўлаётган ходимлар ҳамда оилалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

"Ўзфармсаноат" тизими бўйича тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларининг ўтган йил якуни бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, кўзда тутилган мажбуриятлар корхона ва ташкилотларда деярли бажарилган. Ижтимоий шериклик асосида аъзоларни ҳар томонлама ҳимоялаш яхшиланган. Ходимларга иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари томонидан моддий ёрдамлар кўрсатилган. Иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш, меҳнат таътилига чиққан ходимларга моддий ёрдам кўрсатишга алоҳида аҳамият қаратилган.

Муҳокама юзасидан сўзга чиққан "Навоийазот" АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Тўлқин Рўзимуродов, «Самарқандкимё» АЖ вакили Баҳриддин Юсупов, "Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи" УК вакили Норсейид Кўчкинов келишув ва жамоа шартномалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Иш берувчилар олдига қатъий талаблар киритиш бўйича таклифлар ўртага ташланди.

Йиғилишда келгуси вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши "Ўзкимёсаноати" АЖ ва "Ўзфармсаноат" АК билан ижтимоий шериклик асосида корхона ва ташкилотларда ходимларга иш ҳақининг ўз вақтида берилишини таъминлаш, масъулият, талабчанлик ва назоратни кучайтириш ҳамда тармоқ келишувида кўзда тутилган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олинди.

**Ўз мухбиримиз**

---

Бошланғич ташкилотларда

# Масъуллик бор жойда

**Қарши ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди шахсий таркиби Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудидан ўтган 918 километрли темир йўлларда хавфсизлик, юклар дахлсизлиги, фуқаро, ёнғин ва техника хавфсизлигини таъминлаш каби қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда.**

Ижтимоий шериклик асосида ходимларга қулай меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Ётоқхоналар кондиционер, телевизор, компютер ва шу каби зарур жиҳозлар билан тўла таъминланган.

Тармоқ келишувида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли ўз аксини топган бўлиб, бултур 29 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. 5 нафар ходимга турли сиҳатгоҳларга йўлланмалар тақдим этилди. Хасталикка чалинганларнинг "Темирйўл" шифохонасида даволаниши учун барча харажат қоплаб берилмоқда. Хизматчиларнинг 23 нафар фарзанди Тошкент вилоятидаги «Қибрай», 8 нафари эса Сурхондарёдаги «Вахшивор» оромгоҳларида дам олди. Бундан ташқари, пенсияга чиққан кексалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлардан беш нафарига моддий ёрдам ажратилган. Қўриқлаш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси ва раҳбарияти томонидан иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оммавий спорт тадбирларига эътибор туфайли мини-футбол, волейбол, шахмат, шашка, дартс турлари бўйича мусобақалар ўтказиб турилади. Бошқарма томонидан отрядлараро мини футбол биринчилиги эса ҳамиша қизиқарли баҳсларга бой бўлади.

Ходимлар фарзандлари ўртасида "Ўзбекистон — Ватаним менинг" мавзусида расм чизиш танлови ташкил этилди ва унда қатнашган ҳар бир ўғил-қиз эсдалик совғалари билан тақдирланди. Соғлом она ва бола йили муносабати билан жорий йил учун режалаштирилган расмлар танлови "Менинг оилам" деб номланди.

— Салкам йигирма йилки, шу отрядда муҳандис бўлиб ишлайман, — дейди Панжи Рўзиев. — Ўтган йил Фарғонадаги "Чимён" сиҳатгоҳида саломатлигимни тиклаб қайтдим. Жамоамизда ишчиларнинг самарали меҳнат қилиши, соғлиги йўлида қайғуриши, билим ва малакасини мунтазам мустаҳкамлаб бориши, мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит муҳайё.

Қарши ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди ходимлари зиммасидаги вазифалар ғоят масъулиятли. Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ғамхўрлиги эса бу масъулликни янада теран ҳис этишга, самарали меҳнат қилишга ундаётир.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ҳунармандчилик

# Бу шундай юрт, бу шундайин эл

## МОМОЛАРИ ТЕБРАТАР БЕШИК...

**Бутун маҳалла бешик тўйи бўлаётган хонадонга ошиқди. Ҳовлининг ўртасида зарбоф ёпинчиқлари ял-ял товланиб бешик турарди. Келинчаклар унинг атрофида айланишар, ҳали ичини, ҳали устини ушлаб кўришарди. Шу маҳал қишлоқнинг кайвониси дуога қўл очди:**


ЎзА сурати

— Назардан, нафасдан, кўздан, сўздан, ёзу қишдан, яхшидан, ёмондан ўзинг асра! Бешикда тойлоқ, беланчакда тойчоқ, элнинг давлатдори, гул кўрганда булбулу тоғ кўрганда шунқор бўлгин!

Кейин бешик устига бир ҳовуч қанд-курс сочиб юборилди. Ёш болалар ширинликларга ёпиша кетишди. Шунда келиннинг отаси фахр билан "Бу бешикни атайин карманалик Ислом устага ясаттирдим", деди.

Ҳақиқатан, моҳир бешиксозлар ҳар доим халқ эътиборида бўлган. Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Шеробод қишлоғида яшовчи Ислом устани ҳам танимаган киши йўқ. Чунки вилоятда унинг бетакрор санъати ила ясалган бешикларида фарзанд ўстирмаган оила кам топилади. Ота касбини фарзанду шогирдларига ўргатиб келаётган, бешиксозлик ҳунарининг бардавомлигига хизмат қилаётган Ислом Эргашев мўъжазгина устахонасида тол ёғочидан мўъжиза яратади. Ишга киришса, кечаси билан тиним билмайди. Бу пайтда турмуш ўртоғи Мушарраф ая эса бешикка чиройли матолардан ёпинчиқлар, духобадан чоки равон кўрпачалар тикади.

— Отам Ҳасан Эргашев катта ҳунарманд ўтган. Ўз навбатида, отамга ҳам бешиксозлик бобомдан мерос, — дейди уста тайёр бўлган бешикнинг қуббасини силаганча. — Мен ҳам ёшлигимдан отамга кўмак бериб, шу касбга меҳр қўйдим. Ҳунарни давом эттириб кам бўлмадим: халқнинг ҳурматига сазовор бўлдим, олти нафар фарзандимга ҳалол луқма едирдим. Ҳозир касбимнинг сир-синоатини ўғлим Дадахон ва кўплаб шогирдларимга ўргатаяпман. Улар ҳам бешикни мендан қолишмай ясай оладиган моҳир уста бўлиб етишмоқда.

Чиройли безатилган бешикларни томоша қилар эканмиз, оддий ёғочдан ҳам шундай мўъжиза ясаш мумкин эканлиги бизни ҳайратга солди.

— Олдинлари отам билан роса уринсак, икки кунда битта бешик ясардик, — Ислом ака ҳайратимизни сезгандек сўзини давом эттирди. — Чунки у пайтлар ҳамма иш қўл меҳнати билан бажариларди: ёғочнинг бир учини деворга, бошқа учини кўксимга тираб текислардим. Тўғри, кўп меҳнат талаб қиларди, аммо жуда мустаҳкам бешиклар ясардик. Ҳозирги шароитда эса ёғочга ишлов бериш учун техник асбоблар бор. Бир кунда иккита бешик ясаш ҳам мумкин. Иш жараёнида ёғочнинг қандай дарахтдан бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Мевали дарахт ёғочидан ясалган бешикда ётган бола серфарзанд бўлади, деган гап ҳам бор. Аммо вилоятимиз иқлимига толдан ясалган бешиклар кўпроқ тўғри келади.

Устанинг таъкидлашича, олдинлари бешиксоз ҳунарманднинг меҳнати харидорлар томонидан ажойиб бир тарзда рағбатлантирилган. Яъни, удумга кўра, бешик савдолашилмасдан, уста айтган нархда харид қилинган. Ҳунармандning инсоф ва виждон билан ўз меҳнатини баҳолашига ишонилган. Бешикнинг гумбазсимон қубба шаклида ясалишида ҳам ҳикмат бор. Қадимги масжид, мадраса каби иншоотлардаги гумбазнинг хосиятли муҳит ҳосил қилиши кўзда тутилган. Ҳунармандларнинг ақл-заковати билан ихтиро қилинган бу кашфиёт гўдакнинг саломатлиги учун фойдали. Бешик гўдакни ташқи салбий таъсирлардан, яъни шовқин, иссиқ ва совуқ, офтобдан сақлайди. Нақшларнинг ёрқин ранглар билан безатилиши эса болада рангларни таниш, илғаб олиш кўникмасини шакллантиради, бешикка осиб қўйилган буюмлар қўл ҳаракатларини ривожлантиришга ёрдам беради.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик, айниқса, миллий ҳунармандчиликка кенг эътибор қаратилаяпти. Мен ҳам баъзи ниятларимни амалга оширишни режалаштириб қўйдим. Жумладан, кредит олиб, рўйхатдан ўтган ҳолда дурадгорлик цехи ташкил этмоқчиман. Шунингдек, устоз-шогирд анъанасига ҳам кенгроқ эътибор қаратиш истагим бор. Негаки, ёшларимиз миллий ҳунармандчилигимизнинг сир-асрорини билишсин, ўрганишсин, — дейди уста.

Ислом аканинг хонадонидан чиқар эканмиз, қўлингиз дард кўрмасин, касбингиздан барака топинг, дея тилак билдирдик.

**Руслан САБУРОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Реклама ва эълонлар

*Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

**I.** Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Саракўл 2-тор кўчаси, 34-уй манзилида жойлашган қурилиши тугалланмаган бино иншоотлар.

Бошланғич нархи — 4 471 629 100 сўм.

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 2722 кв.м.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**II.** Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 13-"А" уй манзилида жойлашган 2 қаватли бинонинг ертўласи (гараж қисми).

Бошланғич нархи — 6 279 714 678 сўм.

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 3210 кв.м.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**III.** Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган офис ва савдо дўкони мажмуаси.

Бошланғич нархи — 12 055 852 700 сўм.

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 3640 кв.м.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**IV.** Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томондаги, 13-"А" уй манзилида жойлашган маъмурий бинонинг умумий майдони 915 кв. метрга тенг бўлган бино қисми.

Бошланғич нархи — 2 462 380 711 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**V.** Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Toshkent Reklama-Servis" давлат унитар корхона тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой ва А.Қодирий кўчалари кесишувида жойлашган 3 x 6 ўлчамли реклама конструкцияси.

Бошланғич нархи — 9 300 000 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Toshkent Reklama-Servis" давлат унитар корхоналари.

Фаолияти ихтисоси: Реклама, ваколатли хизмати.

**VI.** Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси 26-уй манзилида вақтинчалик сақланаётган "Наврўз" савдо комплекси металконструкция қурилиш материаллари иншооти.

Бошланғич нархи — 6 607 065 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

**VII.** Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси 92-уй манзилида жойлашган Собиқ савдо дўкони бино-иншоотлардан иборат мулкий мажмуа.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий майдони 603 кв.м.

Бошланғич нархи — 2 289 051 300 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. Веб-сайт: www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 11 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 29 март, 13-, 28 апрел ва 16 май кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

***Савдоларга марҳамат қилинг!***

**Хизматлар лицензияланган.**

Акс-садо

**«Ishonch» газетасида чоп этилган «Тарбияда энаганинг ўрни», «Фарзанд азиз, тарбияси ундан-да азиз» сарлавҳали мақолаларни ўқиб, кўнглимдан айрим мулоҳазалар ўтди.**


Тарбияда энаганинг ўрни

# Она бўлгач...

## *билдим она меҳрини*

Аёл учун оналик бахтига тенглашадиган нарса йўқ. Фарзандининг эркаликлари ҳар қандай онанинг кўнглидаги ғуборни ювиб, чарчоғини чиқариб юборади. Оналарнинг боласини суюб кўзим нури, юрагим мадори, дейиши ҳам шундан.

Мен ўтган йили оналик аталмиш салтанатга қадам қўйдим. Фарзанд Аллоҳнинг беқиёс инъоми экан. Ҳозирда бола тарбиялаш билан бирга университетда таҳсил олаяпман. Оила, бола парвариши, ўқишни биргаликда олиб бориш осон эмас албатта: дарсларга улгуриш, уйни саранжом-саришта тутиш, қизимни вақтида овқатлантириш, сайрга олиб чиқиш, ўйнатиш...

Турмуш ўртоғимдан бошқа кўмакчим йўқ. Қайнона-қайнотам биздан олисда, қишлоқда яшайди. Ота-онам эса иш билан банд. Рўзғор юмушларига ўқишдан келиб бемалол улгураман, лекин қизимга келганда... Гулдай нозик палапонимни бегона одамнинг қўлида бир лаҳза бўлсин ёлғиз қолдиришни ўйласам, юрагимдан бир нарса узилиб кетгандай бўлади.

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз? Буни таниш бир аёл мисолида ҳам кўриб турибман. Ёш қизчасини ташлаб эр-хотин чет элга ишлашга кетди. Шўх-шодон қизча бирдан ғамгин бўлиб қолди. Бир неча кун йиғлаб, ҳеч кимга гапирмай юрди. Вақт ўтиб кўникди, лекин аввалги шўхлигидан асар ҳам тополмайсиз. Чет элдаги ота-она бир кун ортига қайтар, лекин қизчаси кўнглидаги бўшлиқни тўлдира олармикан?!

Газета ушбу мавзуни кўтариб, жуда катта савобга қўл урибди. Бунинг учун таҳририятга ёш она сифатида миннатдорлигимни билдираман. Чунки соғлом она, аввало, маънан етук онадир. Маънавияти баланд она ҳеч қачон боласини бировларнинг қўлига топшириб қўймайди. Дунёда оналик бахтидан, фарзанди камолидан катта бойлик йўқ, ахир! Ўзим тенги ёш оналар, дугоналаримга айтадиган гапим бор: давлатимиз биз, оналар, ширин-дан-шакар дилбандларимиз учун шундай катта имкониятлар яратиб, уларни тарбиялаётган вақтимизга маблағ ажратиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турган экан, ўзимиз ҳам бунга муносиб жавоб қайтарайлик. Фарзандларимизни Ватан истиқлоли ва келажагига хизмат қиладиган баркамол, маънан етук инсон этиб тарбиялаб жамиятга қўшайлик.

**Лола БОЛИЕВА,**
**Тошкент давлат аграр университети талабаси**

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва кичик бизнес субъектлари диққатига!*

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Объект номи:

**ЛОТ – 30**

**ЛОТ-30.3. «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Қувасой кўчасидаги 3-сонли футболга ихтисослаштирилган мактаб интернатини реконструкция қилиш ишлари».**

Бошланғич нархи — 438 148 945 сўм ҚҚСсиз, 525 778 734 сўм ҚҚС билан,

Муддати – **01.08.2016 й.**

Қурилиш-монтаж ишлари: ***Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

***Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.***

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси, 37. Тел: (373) 401-52-03, 401-52-01.

**Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)-ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

*Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй. Телефон/факс: (373)244-68-90 (92), 98-276-25-48.*

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, (куни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) *Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй* манзилда ўтказилади.

**Хизматлар лицензияланган.**

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

**ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ**

**1. «Капитальный ремонт амфитеатра на 2400 мест в г.Навоий».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 310 832 139 сум, с НДС 372 998 566 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **30 дней.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств местного бюджета**

***(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)***

**2. «Строительство первой очереди водовода для водоснабжения сёл Арабон, Чорбог, Совгон, Олмазор и жилого массива «Гулбог» ССГ «Арабон» Кизилтепинского района Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 569 019 452 сум, с НДС 682 823 342 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **120 дней.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств государственного бюджета**

***(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)***

Заказчик **ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий 63.**

К конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

**При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.**

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г.Навоий, ул.Гвасалия 2А, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98. Стоимость одного комплекта документов 150 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98.

**Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.**

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Х.Дустлиги 77А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

**Услуги лицензированы.**

# Оммавий мусобақа

(1).

Шундай спартакиадалардан бири Сергели туманидаги 11-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Таълим, фан ва маданият, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашлари, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Тизимимиздаги етмиш битта бошланғич ташкилот таркибида беш мингга яқин аъзомиз бор. Мусобақанинг биринчи босқичида 264 та оилавий жамоа сафида 800 га яқин ходимлар ва уларнинг оила аъзолари фаол иштирок этди. Бундай спорт тадбирлари оилалардаги аҳиллик ва саломатликни мустаҳкамлаётгани қувонарли ҳол, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сергели туман кенгаши раиси Феруза Ражабова.

Қизғин кечган беллашувлар якунига кўра 589-МТМ вакиллари — Миржамол Миробидов оиласи ўғил болали оилалар ўртасида, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлими ходими Баҳодир Эшонов оиласи эса қиз болали оилалар орасида биринчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, Алимхоновлар «Фаол иштирок этган оила», Мирзаевлар «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», Эгамбердиевлар эса «Энг чаққон оила» дея эътироф этилди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.







***

Мусобақанинг Олмазор туман босқичи ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди. Таълим, фан ва маданият, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Агросаноат мажмуи, Соғлиқни сақлаш, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Металлургия ва машинасозлик саноати, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорлигида уюштирилган спартакиада ниҳоятда муросасиз кечди.

— Бунёдкорликларга, юртимизнинг янада обод бўлишига муносиб ҳисса қўшиш учун кишига, аввало, саломатлик, куч-қувват, шижоат, иштиёқ керак. Бугунги мусобақа соғлом турмуш тарзига ошно тутинган оилалар кўплигини тасдиқлади, — деди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари касаба уюшмаси Олмазор туман кенгаши раиси Лола Исматова.

Оилавий жамоа аъзоларининг чайирлиги, эпчиллиги, ғалабага бўлган иштиёқи якуний натижаларни белгилаб берди.

Ғолиблик шоҳсупасига ўғил фарзандлари билан иштирок этган 16-умумтаълим мактаби вакили Муҳаммадисо Содиқовлар оиласи, қиз фарзандли оилалар ўртасида эса 3-автосарой ходими Саидикром Тўрахўжаевлар оиласи кўтарилди.

Бундан ташқари, Жамшид Комиловлар «Энг чаққон оила», Равшан Шокировлар «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», Илҳом Матниёзовлар «Фаол иштирок этган оила» номинацияларида ғолиб дея эътироф этилди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Тадбир куй-қўшиқларга уланиб кетди.

**Ўз мухбиримиз.**
*Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар*





***

Сирдарё вилояти Сардоба шаҳарчасидаги 1-умумтаълим мактабида оилавий спорт мусобоқасининг туман босқичи ўтказилди.

Натижаларга кўра, «Андижон» ҚФЙда жойлашган 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Феруза Элтазаровалар оиласи ўғил фарзандли оилалар орасида ҳамда шу мактабнинг ишчиси Олимжон Ризоқуловлар оиласи қиз фарзандли оилалар ўртасида биринчи ўринни эгалладилар.

**Раҳмат БИЛОЛОВ,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Оқолтин туман кенгаши раиси**

## Спорт янгиликлари

МИНИ-ФУТБОЛ



**Пойтахтимизда мини-футбол бўйича ўтказилган Осиё чемпионати якунига етди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон футбол федерацияси, мини-футбол ассоциацияси ва Осиё футбол конфедерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада қитъамизнинг 16 терма жамоаси совринли ўринлар ва Жаҳон чемпионати йўлланмалари учун кураш олиб борди.**

### МУНОСИБ ИШТИРОК

Ҳал қилувчи баҳсда Эрон терма жамоасига кичик ҳисобда имкониятни бой берган футболчиларимиз тўртинчи бор Осиё чемпионатининг кумуш медалларига сазовор бўлишди.

Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашган энг кучли беш жамоа — Ўзбекистон, Таиланд, Эрон, Вьетнам ва Австралия терма жамоалари жорий йилнинг 10 сентябридан 2 октябригача Колумбияда давом этадиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

ВЕЛОСПОРТ



**Тошкент вилоятида велошоссе бўйича мамлакат чемпионати ўтказилди. Уч кун давом этган мазкур мусобақада юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган юз нафарга яқин спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.**

### МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНЛАРИ

Дастлабки кун 74 км. масофага пойгалар ўтказилиб, унда Денис Шайманов, Вадим Шаехов ва Улуғбек Саидовлар мос равишда олтин, кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлди.

Иккинчи кун бўлиб ўтган пойгаларда иштирокчилар 93 км. масофа бўйлаб ўзаро мусобақалашдилар. Унда пойтахтлик Руслан Фёдоров маррага биринчи бўлиб етиб келди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Сирдарё вилояти вакиллари Жаҳонгир Мавлонов ҳамда Рустам Султонов эгаллади.

Учинчи кун муросасиз тарзда кечган пойга якунига кўра Вадим Шаехов биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Андрей Измайлов, учинчи ўрин эса Шомансур Абдуманноповга насиб этди.

Энди спортчиларимиз 1-, 5 март кунлари ўтказиладиган халқаро турнирга тайёргарлик кўрадилар.

ТАЭКВОНДО



**Таэквондонинг WTF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда олтин медални қўлга киритди.**

### ШОКИН ЯНА ТЕНГСИЗ

Олимпиадага йўлланма олган таэквондочилар ўртасидаги ушбу мусобақа ўйинлар ўтказилувчи «Кариока» мажмуасида уюштирилгани билан аҳамиятлидир. Шокин турнирда барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ



**Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида спорт курашлари бўйича катталар ўртасида Осиё чемпионати баҳслари ўтказилди. Мазкур қитъа чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ҳар учала спорт турида ҳам ғолиблик учун кураш олиб борди.**

### УЧ КУМУШ ВА БРОНЗА

Юнон-рум кураши бўйича вакилларимиз — Дилшод Турдиев (-75 кг.), Нурбек Холмуҳамматов (71 кг.), Муҳаммадали Шамсиддинов (85 кг.) кумуш, Арам Варланян (-66 кг.) эса бронза медалга эга чиқди.

Йигирма икки терма жамоа иштирок этган бу турнирда Ўзбекистон термаси 3 та кумуш ва 1 та бронза медал билан тўртинчи ўринни эгаллади.

ЭРКИН КУРАШ



**Беларус пойтахти Минск шаҳрида эркин кураш бўйича аъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Дунёнинг 25 давлатидан 280 нафар курашчи қатнашган ушбу мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси ҳам тўлиқ таркибда иштирок этди.**

### СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Минск гиламларида юртимиз шарафини Нодиржон Сафаров, Ихтиёр Наврўзов, Бекзод Абдураҳмонов, Умид Исманов, Сослан Тигиев, Магомед Ибрагимов, Рашид Қурбонов каби етакчи курашчиларимиз ҳимоя қилишди. Якунда ҳамюртларимиздан Нодиржон Сафаров (57 кг.) ва Рашид Қурбонов (74 кг.) мусобақанинг бронза медалини қўлга киритишди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Маънавият соати

*Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Гулистон туман кенгаши тасарруфидаги АТБ “Агробанк”нинг Гулистон филиалида “Маънавият соати” ўтказилди.*

## Фаолликка даъват

Тадбирда Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар ҳақида Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси З.Ҳайдарова маъруза қилди.

Ушбу мавзуга оид “Маънавият соатлари” Агросаноат, Сайхунобод ва Гулистон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларида ҳам ўтказилди.

**Ўз мухбиримиз**

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

## Мафтункор гўшада

**32 йилдан буён ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаман. Олти йилдирки, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раисиман.**

Сафимизда 103 нафар аъзо бор. Уларнинг 83 нафари олий маълумотли педагоглар. Мактабимизда педагог-ходимлар учун тиббиёт, дам олиш, маънавият хоналари ташкил қилинган.



Ёш болали аёлларга белгиланган тартибда имтиёзлар татбиқ этилади. Ҳар байрамда маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказиш аньана тусини олган бўлиб, ғолиб ва совриндорларга касаба уюшма қўмитаси томонидан қимматбаҳо совғалар топширилади. Бу эса жамоада соғлом муҳит юзага келишига кўмаклашмоқда.

Касаба уюшма аъзоларидан 6 нафарига моддий ёрдам, 5 нафарига эса соғликларини тиклаши учун санаторийларга имтиёзли йўлланма ажратилди. Жумладан, ўзим ҳам «Чимён» санаторийсида дам олиб қайтдим.

Таассуротларим бир олам. Республикамиз бўйлаб амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, яъни кенг ва равон йўллар, янги қурилиш ва ўзгаришларни кўриб, ич-ичимдан қувондим, вужуд-вужудим билан фахр-ифтихор туйдим.

Санаторийдаги кўркам ва шинам ётоқ ва дам олиш хоналарида телевизор, музлатгичлар, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, ортопедик тўшаклар, телефон ҳамда бошқа қулайликлар муҳайё этилган. Сиҳатгоҳ ҳудудидан оқиб ўтувчи гўзал сой кишига ҳузур бағишлайди. Инсон саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган врач ва ҳамшираларнинг хизматларидан дам олувчилар чексиз миннатдор.



«Чимён» сиҳатгоҳида ўтказган 12 кунлик дам олиш меҳнат фаолиятимга кўтаринкилик бағишлади.

**Ибодулло КАРИМОВ,**
**Қоракўл туман 22-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

Реклама ва эълонлар

**“Муборакнефтгаз” масъулияти чекланган жамияти экспортга жўнатиш мақсадида сабзавот ва дуккакли маҳсулотларни (помидор, бодринг, мош, нўхат, пиёз) етиштириш учун тажрибага эга, малакали (олий ёки ўрта махсус маълумотли) мутахассисларни ишга қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади.**

Номзод суҳбат асосида ишга қабул қилинади. Муносиб иш ҳақи ва яхши натижаларга эришган тақдирда қўшимча рағбатлантирилади.

Номзодларга бўлган талаб:

1. Ўзларининг бизнес лойиҳаларини тақдим этишлари лозим.
2. Кўрсатилган йўналишдаги меҳнат стажи ва йўналишлари тўғрисида маълумот.
3. Ўзлари тўғрисидаги тўлиқ маълумот (резюме)ни факс орқали жўнатиш.

Мурожаатлар 01.03.2016 йилгача қабул қилинади.

Номзодлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Занжирсарой кўчаси, 1-уй. “Муборакнефтгаз” МЧЖ — кадрлар бўлими.

Мурожаат учун телефонлар: (0-375) 672-13-75. Факс: (0-375) 672-45-64, (+99891) 470-62-25 (Бобур Эрисов).

**Хизматлар лицензияланган.**

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-95) 502-68-99
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** A.Qodirova
**Navbatchi:** N.Mahamov
**Musahhih:** S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:30**
Topshirildi — **21:10**

1 2 3 4 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**

**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 215.
21870 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133